

## Рамазон Гонгконг мусулмонларини бирлаштирмоқда



08:00 / 06.04.2023 1585

2019 йилдан бери илк бор йиғилган юзлаб Гонгконг мусулмонлари пайшанба куни Коулун масжидининг асосий залида Рамазон ифторига тўпланишди.

Ушбу йиғилиш пандемия сабабли уч йиллик чекловлардан кейин илк бор ўтказилди.

Гонгконгда туғилган асли покистонлик бўлган Хон Гонгконг Free Press нашрига шундай интервью берди: «Ҳаммани қайтиб кўрганимдан хурсандман, ҳаммаси аввалгидек бўлди. Ифторликка тайёргарлик учун йиғилганларнинг баъзилари пиёз ва помидорларни (ҳалим учун) тўрғаб тайёрлашди. Қолган кўнгиллилар эса ўрамларни йиғиштириб, тарқатишди».

Хон масжидда ифторлик дастурхони тайёрлаган кўнгиллилардан бири

ҳисобланади.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари яхши самара берди, чунки 1700 га яқин намозхон Рамазон ойининг биринчи оқшомини Коулун масжидида ўтказишди, дейди масжид раҳбарияти аъзоси Муҳаммад Али Диалло. — Ифторликдан сўнг намозхонлар мунтазам ибодатларини адо этиш учун юқори қаватга чиқишади.



«Рамазон ойи ҳамжиҳатлик ва йиғилиш ойдир», дейди банкдаги лойиҳа менежери Юсуф Мансурӣ. — Мен бу онларни жуда соғиндим.

Рамазон Ислом тақвимидаги энг муқаддас ой бўлиб, мусулмонлар тонг отишидан то қуёш ботишига қадар рўза тутишади.

Мусулмонлар муборак ойда вақтларини ибодат, нафсларини тийиш ва савоб амаллар орқали Аллоҳга яқинлашишга бағишлайдилар.

2016 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Гонконг аҳолисининг 4,1 фоизи ёки 300 мингга яқини Ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонларни ташкил қилади. Улардан 50 минг нафари хитойлик, 150 минг нафари индонезиялик ва 30 минг нафари покистонлик, қолганлари эса дунёнинг бошқа қисмларидан.



Қайд этиш керакки, Рамазон гуноҳлар кечириладиган ойдир. Бу ой рўза тутиш ва кенг кўламли руҳий машқлар вақтидир. Бу ой биз мусулмонлар учун кундалик тартибимизни ўзгартириб, янгидан тартиблаб оладиган фурсат ойидир. Мусулмонлар дунёвий ишлардан кўра кўпроқ дин ва эътиқодлари ҳақида ўйлайдиган ва эзгу амаллар борасида фикр юритадиган даврдир.

Нафл намозларга ва бошқа хайр-эҳсонларга вақт топишга алоҳида ҳаракат қиламиз. Айниқса, тенгсиз савоб умидида ва олдинги барча гуноҳларимиз мағфират қилиниши илинжида таровеҳ намозларига катта эътибор қаратамиз.

Рамазон ойида қилинган солиҳ амалларнинг охирадаги ажр-мукофоти, савоблари беҳисобдир.